

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Жумаева З.Қ.,


Жаниев Ш.О.

Осиё халқаро университети

Хизмат кўрсатиш соҳаси замонавий иқтисодиётда асосий ўрин тутиб, иқтисодий ўсиш, ҳаёт сифатини ошириш ва инсон капиталини ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилмоқда. Бу одатда ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) муҳим улушини ташкил қилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ушбу соҳада яратилган жами хизматлар ҳажми ва уни яратишда банд бўлганлар сони билан белгиланади. Бу борада, жаҳон амалиётининг кўрсатишича сўнги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жуда тез суръатларда ўсган. Бироқ, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши турли мамлакатларда турлича кечмоқда. Бу эса ҳар бир мамлакат учун соҳа ривожининг таснифий баҳолаш мезонини ишлаб чиқишни зарурат этади. Бунинг учун уларни маълум бир шартли чегаравий миқдор асосида гуруҳлаш ва сўнг баҳолаш мақсадга мувофиқ келади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши мамлакатларни ривожланган ёки ривожланаётган гуруҳларга таснифлашда мезон бўлиб хизмат қилади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги фарқли кўрсаткичларига қараб дунё мамлакатларини шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 70 фоиздан юқори бўлган давлатлар киради. Бунга АҚШ - 73,1 %, Белгия-73,2%, Франция - 75,8 %, Голландия - 72,0 %, Люксембург - 80,1 %, Буюк Британия - 72,7% кўрсаткичга эга бўлган мамлакатлар кирган. Иккинчи гуруҳ мамлакатлари Австрия - 67,0 %, Финландия - 65,9 %, Италия - 69,6%, Испания - 67,3 %. Учинчи гуруҳ давлатлари Норвегия - 59,0%, Коста-Рика - 62,6%, Колумбия-57,8%, Зимбабве - 59,5%, Марокаш 53,8 %, Чили - 51,6 %ни ташкил этади⁴⁵. Тўртинчи гуруҳга эса 50% дан кам бўлган мамлакатлар киради. Бу каби давлатларга Руида, Гана, Боцвана, Мали ва бошқаларни киритиш мумкин. МДҲ давлатлари бўйича, Қозоғистонда бу кўрсаткич 54,2 %, Беларусда 48,0 %, Россияда бу кўрсаткич 50-55%ни ташкил этган. Ўзбекистонда 2024 йилда ЯИМнинг 47,4%ни, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг эса 38%и хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига тўғри келади. (-расм).



-расм. Хизматларнинг ЯИМдаги улуши (% да)

Булардан кўринадики, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланаётган давлатлар даражасига хослиги, бироқ биринчи гуруҳ мамлакатлари қаторига кириши учун 22,6 фоиз (70%-47,4%)га ўсиши лозимлиги кўриниб турибди.

Ҳақиқатдан ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланиши бир томондан ҳаётий заруратга айланиб, аҳолининг барча талаб ва эҳтиёжларини қондиришда муҳим восита бўлса, иккинчи томондан мамлакатнинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилишида муҳим шарт экан. Шундан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятларини тадқиқ қилишни ўз олдимизга вазифа қилиб олдик.

Бугунги кунда инновацион иқтисодий ривожланиш шароитида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг якуний натижаси оилалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Ушбу фаровонликка эришиш йўлларида бири оилавий бизнесни очиш ва оилавий бизнесни бошлашдир. Чунки оилада тадбиркорликни ривожлантириш ва уни оммалаштириш энг муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни, яъни оилалар фаровонлиги ва аҳоли бандлигини ҳал этиш имкониятини яратади. Шунинг учун бу соҳани ривожлантириш доимо Республика ҳукуматининг диққат марказида.

Чет элда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам оилавий тадбиркорлик муваффақиятли ривожланган бизнес институтларидан биридир. Бироқ, оилавий тадбиркорлик ривожланиши тарихида иқтисодиёт ва сиёсатдаги турли босқичлар ва турли воқеаларни бошдан кечирган. Оила энг қадимги ижтимоий институт, шунингдек, биринчи хўжалик ташкилотларидан биридир.

Бугунги кунда оилавий тадбиркорлик мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янана кенгайтиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбек халқи узок ўтмишдан оила аъзолари яқин қариндошлари билан ҳамкорликда иқтисодий фаолиятнинг бирон-бир тури билан шуғилланиш ва унинг ажодлардан авлодларга ўтиб келиши тарихий-анъанавий жараён ҳисобланган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, худудларда оилаларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишга ҳамда шу асосда аҳолининг бандлиги таъминланишига қаратилган қатор чоралар кўрилмоқда. Шу билан бирга, маҳаллий оилавий корхоналар тадбиркорлик

фаолияти субъекти сифатида хусусий секторни ривожлантириши, жамиятнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий эҳтиёжларини таъминлаш учун ўз салоҳиятини тўла-тўқис ҳали очиб бергани йўқ.

Шунга кўра, Ўзбекистон –2030 Стратегиясида оилавий тадбиркорлик асосида бандликни таъминлашда оддий “қўл меҳнати”дан –саноатлашган ишлаб чиқариш босқичига ўтиш бўйича мақсад белгиланган. Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорликка оид қонун ва бир қанча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари қабул қилинди. 2012 йил 16 мартда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган эди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга кўрсатиладиган хизматларни кўпайтириш мамлакатимиз учун ҳаётий заруратга айланмоқда. Чунки, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси бугун бахтли яшашга ҳақли, уни таъминлаш учун давлатимиз тегишли шароитларни яратиб бериши лозим. Мамлакатимиз Президенти томонидан имзоланган оилавий тадбиркорликка оид қарорда: “Меҳнаткаш халқимизнинг қадимий касб-хунар анъаналари, ишбилармонлик салоҳияти оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини кенг оммалаштириш, экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун катта тажриба ва захира мавжудлигидан далолат беради”¹⁵. Кўриниб турибдики, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг жуда кўплаб йўналишлари мавжуд.

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунининг 3 моддасида “Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир”, деб белгилаб берилди. Ушбу қонундан келиб чиққан ҳолда, оилавий тадбиркорликнинг асосий белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин (1-расм).

Ҳар бир жараён ва соҳанинг ривожланиши учун уларнинг қонуний асослари яратилган бўлиши лозим. Сўнгги йилларда миллий иқтисодиётнинг муҳим драйверларидан бирига айланган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий қўллабқувватлашда давлатнинг иштироки ва роли ортиб бормоқда. Шундай тадбиркорлик субъектларидан бири оилавий корхоналар ҳисобланади. Мамлакатимизда “оилавий корхона” деб номланган янги тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқий асослари 2012-йилда Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан белгиланди. Мазкур қонун оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, оилавий корхонани ташкил етиш, бошқариш ва фаолиятини юритишнинг асосларини белгилаб берди.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июнь куни “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори.// Халқ сўзи. 2018 йил 8 июнь. 1-2 бетлар



1-расм. Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликнинг асосий белгилари¹⁶

Охириги йилларда оилавий корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида ҳукумат томонидан муҳим чора-тадбирлар ва дастурлар қабул қилинди. Улар жумласига мамлакат Президентининг 2018 йил 7 июндаги "Ҳар бир оила -тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги ПҚ-3777-сон қарори, 2020 йил 13 октябрдаги "Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4862-сон қарори, 2021 йил 27 мартдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5041-сон қарори, 2017 йил 7 февралда "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонида кўзда тутилган мамлакатни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июнь куни "Ҳар бир оила —тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарорни имзолади. 2018 йил 14 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита ушбу масалага дахлдор бўлган "Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 9 июнда «Ҳар бир оила тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, мазкур соҳани тартибга

¹⁶ Ўзбекистон республикасининг Қонуни. Оилавий тадбиркорлик тўғрисида //Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлар тўплами, 2012 йил 17-сон, 88-модда.

солиб турибди. Мамлакатимиз миллий иқтисодиётида оилавий корхона сингари тадбиркорлик субъектлари ўзига хос ўрин эгаллаб, улар макроиқтисодий кўрсаткичларда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Жумаева, З. К. (2024). Инвестиционная Активность Как Основной Элемент Организационно-Экономического Механизма Маркетинга Территории. *Miasto Przyszłości*, 55, 1411-1417.
2. Жумаева, З. К. (2024). Мобильный Маркетинг Как Эффективное Средство Стимулирования Сбыта Товаров И Услуг. *Miasto Przyszłości*, 54, 697-702.
3. Жумаева, З. К. (2024). РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКИХ ИНДУСТРИЙ КАК ФАКТОР РОСТА НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ: ОБЗОР ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА И ПЕРСПЕКТИВЫ ДЛЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.
4. Джумаева, З.К., и Гулямова, Н.Г. (2025). О 'ZBEKISTONDA MINTAQANI KOMPLEKS RIVOJLANTIRISHNI DAVLAT TOMONIDAN TARTIBGA SOLISH. *ТЕОРИЯ НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ ВСЕГО МИРА*, 1 (5), 152-159.
5. Жумаева, З. К., & Ахмедова, Ф. Р. (2025). РОЛЬ ТОРГОВОЙ ПОЛИТИКИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ: СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ. *MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS*, 1(7), 323-330.
6. Jumayeva, Z. Q., & Matkarimov, G. (2025). MINTAQADA FAOL INVESTITSIYA SIYOSATINI IQTISODIYOT TARMOQLARINI O 'SISHIGA TA'SIRI. *ANALYSIS OF MODERN SCIENCE AND INNOVATION*, 1(6), 205-212.
7. Husenov, A., & Qudratova, G. (2025). RAQOBAT VA RAQOBAT STRATEGIYALARI: NAZARIY VA AMALIY YONDASHUVLAR. *Modern Science and Research*, 4(2), 292-299.
8. Azimov, B. F., Maksudovich, A. Z., & Qudratova, G. M. (2025). THE IMPORTANCE OF INNOVATION IN ENHANCING THE COMPETITIVENESS OF HIGHER EDUCATION UNIVERSITIES. *SHOKH LIBRARY*.
9. Qudratova, G. M. (2025). THE EVALUATION OF UNIVERSITY COMPETITIVENESS: A REVIEW OF METHODOLOGIES. *SHOKH LIBRARY*.
10. Bahodirovich, K. B., & Mahmudovna, Q. G. (2025). RISK REGULATION IN BANKING SYSTEM. *MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS*, 1(5), 231-237.
11. Bahodirovich, X. B., & Mahmudovna, Q. G. (2025). RIVOJLANGAN DAVLATLAR BANK TIZIMI. *ANALYSIS OF MODERN SCIENCE AND INNOVATION*, 1(4), 396-404.
12. Islomova, M., & Sodiqova, N. (2025). ILM-FAN VA TA'LIMDAGI INNOVATION RIVOJLANISHNING DOLZARB MUAMMOLARI. *Modern Science*

and Research, 4(2), 300-307.

13. Bobojonova, M. J., & Sodiqova, N. T. (2025). YASHIL IQTISODIYOT RIVOJLANISHIDA XALQARO HUJJATLARNING TARKIBIY TUZILISHI VA UNING O'RNI. *MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS*, 1(5), 222-231.

14. Sodiqova, N. T., & Bobojonova, M. J. (2025). OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA KADRLAR SIFATINI BAHOLASH. *ANALYSIS OF MODERN SCIENCE AND INNOVATION*, 1(5), 109-120.

15. Bobojonova, M. J., & Sodiqova, N. T. (2025). JAHON IQTISODIYOTDA YASHIL IQTISODIYOTNING O'SISHI VA GG-GE-SD MODELI. *MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS*, 1(6), 251-260.

16. Bobojonova, M. J., & Sodiqova, N. T. (2025). HOZIRGI KUNDA YASHIL DAVLAT XARIDLARI HOLATI VA UNING ISTIQBOLLI YO 'NALISHLARI. *THEORY OF SCIENTIFIC RESEARCHES OF WHOLE WORLD*, 1(4), 153-163.

17. Bahodirovich, X. B. (2025). BUXGALTERIYA HISOBINING O'RGANISH USULLARI. *THEORY OF SCIENTIFIC RESEARCHES OF WHOLE WORLD*, 1(5), 257-262.

18. Bahodirovich, X. B. (2025). XO'JALIK YURITUVCHI SUBYEKTLARDA HISOB YURITISH SIYOSATI. *STUDYING THE PROGRESS OF SCIENCE AND ITS SHORTCOMINGS*, 1(6), 210-215.

19. Abidovna, A. S. (2025). INVESTMENT PROJECTS: ADVANCED MANAGEMENT AND EVALUATION. *SHOKH LIBRARY*.

20. Бахтиёрлов, Д., & Алимова, Ш. А. (2025). КОНКУРЕНЦИЯ НА РЫНКЕ: КАК БОРЬБА КОМПАНИЙ ВЛИЯЕТ НА ЦЕНЫ, КАЧЕСТВО И ИННОВАЦИИ. *Modern Science and Research*, 4(2), 463-471.

21. Алимова, Ш. А. (2025). ВЛИЯНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ САНКЦИЙ НА ЭКОНОМИКУ УЗБЕКИСТАНА В 2023-2024 ГОДАХ: АНАЛИЗ И ПРОГНОЗЫ. *MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS*, 1(6), 97-103.

22. Hakimovich, T. M. (2025). EKSPORT RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISHDA DIVERSIFIKATSIYANING AHAMIYATI. *STUDYING THE PROGRESS OF SCIENCE AND ITS SHORTCOMINGS*, 1(4), 112-121.

23. Hakimovich, T. M. (2025). O 'ZBEKISTONDA EKSPORTNI RAG 'BATLANTIRISH UCHUN FOYDALANILADIGAN MOLIYAVIY VOSITALAR TAHLILI. *MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS*, 1(5), 141-150.

24. Bobojonova, M. J., & Toshev, M. H. (2025). INKLYUZIV YASHIL IQTISODIYOT VA UNING HOZIRGI KUNDAGI HOLATI TAHLILI. *MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS*, 1(6), 197-205.

25. EI, I. JAHON SAVDO KO 'RSATKICHLARI ISTIQBOLI VA BUNDA O 'ZBEKISTON EKSPORTCHI KORXONALARI UCHUN IMKONIYATLAR.
26. Ibdulloyevich, I. E. (2024). O 'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIK SAMARADORLIGINI OSHIRISH MUAMMOLARI VA ISHBILARMONLIK MUHITINI YAXSHILASH ISTIQBOLLARI. *Gospodarka i Innowacje.*, 51, 258-266.
27. EI, I. (2025). MINTAQALARDA TADBIRKORLIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH VA UNI INVESTITSIYA BILAN TA'MINLASHNING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. *MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS*, 1(5), 39-50.
28. Ma'mura, E., & Azimov, B. F. (2025). INNOVATION EFFICIENCY EVALUATION METHODS. *SHOKH LIBRARY*.
29. Azimov, B. F., & Yodgorova, Z. Y. (2025). METHODS OF STUDYING THE STATE OF COMPETITION IN THE EDUCATIONAL SERVICES MARKET. *SHOKH LIBRARY*.
30. Raxmonqulova, N. O. (2025). DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY ON A GLOBAL SCALE AND THE EXPERIENCE OF COUNTRIES. *SHOKH LIBRARY*.
31. Қизи Рахмонқулова, Н. О. (2023). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИНГ ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ. "Экономика и туризм" международный научно-инновационной журнал, 6, 14.
32. Shadiyev, A. X. (2025). DEVELOPMENT OF THE CURRICULUM FOR ECONOMIC DISCIPLINES IN PRIVATE UNIVERSITIES. *FARS International Journal of Education, Social Science & Humanities.*, 13(1), 389-396.
33. Shadiyev, A. X. (2025). METHODS OF TEACHING THE "ECONOMIC THEORY". *SHOKH LIBRARY*.
34. Zaripova, G., & Naimova, N. (2025). INFLYATSIYA VA UNI BARTARAF ETISH CHORA-TADBIRLARI. *Modern Science and Research*, 4(2), 371-378.
35. Akbarovna, N. N. (2025). PROBLEMS OF INCREASING INVESTMENT ACTIVITY IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION. *SHOKH LIBRARY*.
36. Umedova, N., & Bazarova, M. S. (2025). OZBEKISTONDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI. *Modern Science and Research*, 4(2), 362-370.
37. Bazarova, M. (2023). EFFECTIVENESS OF USING PR-ADVERTISING SERVICES IN THE PROCESS OF PRODUCT DELIVERY ON THE EXAMPLE OF BUKHARA REGION. *Modern Science and Research*, 2(12), 506-512.
38. Supievnna, B. M., & Firuza, S. (2023). Strategic ways of implementing personnel policy in commercial banks. *THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY*, 1(7), 22-25.
39. Bostonovna, D. Z. (2023). CONCEPTUAL BASIS OF IMPROVEMENT OF

BANK AUDIT IN COMMERCIAL BANKS. *IMRAS*, 6(6), 118-124.

40. Jumayeva, Z. (2023). BASICS OF NATIONAL ECONOMIC DEVELOPMENT. *Modern Science and Research*, 2(12), 296-300.

41. 7Bustonovna, J. Z. (2023). INVESTMENTS IN HUMAN CAPITAL AND PECULIARITIES OF THIS PROCESS IN UZBEKISTAN. (*No Title*).

42. To'rayevich, I. A., & AD, S. (2025). O 'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MOLIYA TIZIMI VA UNING IQTISODIYOTIDA TUTGAN O 'RNI. *MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS*, 1(5), 64-75.

43. To'rayevich, I. A., & AD, S. (2025). INVESTITSIYALARNI JALB QILISH VA BOSHQARISHNING XORIJ TAJRIBASI. *STUDYING THE PROGRESS OF SCIENCE AND ITS SHORTCOMINGS*, 1(5), 12-22.

44. Джураева, М. С., & Алимова, Ш. А. (2025). РОЛЬ ИННОВАЦИЙ В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И МЕЖДУНАРОДНЫЙ КОНТЕКСТ. *THEORY OF SCIENTIFIC RESEARCHES OF WHOLE WORLD*, 1(3), 41-49.

45. Sadillovna, D. M. (2025). Prospects for Investments in Modernization of the Economy in the Agricultural Sector. *Ethiopian International Journal of Multidisciplinary Research*, 12(01), 217-222.

46. Supiyevna, B. M. (2025). O 'ZBEKISTON IQTISODIYOTINI BARQAROR O 'SISHINI TA'MINLOVCHI OMILLAR. *THEORY OF SCIENTIFIC RESEARCHES OF WHOLE WORLD*, 1(5), 142-151.

47. Supiyevna, B. M. (2025). O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIK RIVOJLANTIRISH TENDENSIYALARI. *MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS*, 1(7), 315-322.

48. Supiyevna, B. M. (2025). INSON SALOHIYATINI MEHNAT POTENSIALI RIVOJLANTIRISHNING MOHIYATI. *ANALYSIS OF MODERN SCIENCE AND INNOVATION*, 1(6), 197-204.